
“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларининг йўналтирилиши тўғрисида ҳисобот

2023 йил 1 январь ҳолатига “Саховат ва кўмак” жамғармалари ҳисоб рақамларида 2 млрд. 835,6 млн. сўм қолдиқ маблағлари мавжуд бўлиб, ўтган уч ой давомида вилоят бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳузуридаги “Саховат ва кўмак” жамғармалари ҳисоб рақамларига 18 млрд. 970,5 млн. сўм маблағ йиғилди.

Ўтган олти ой давомида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарорлари асосида 30 минг 71 нафар оиласарга жами 15 млрд. 535,9 млн. сўм маблағ сарф этилди.

Жумладан, маҳаллаларда ташкил этилган “Темир дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Ўтган олти ой давомида “Темир дафтари”га киритилган 2300 нафар фуқароларни моддий қўллаб қувватлашга 1 млрд. 804,8 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда ҳам муҳим молиявий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур дафтарга кирган 2507 нафар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 1 млрд. 546,7 млн. сўм, “Ёшлар дафтари”га киритилган 91 нафар ёшлар учун 40,8 млн. сўм маблағ йўналтирилган.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласарга, кўп фарзандли оиласарга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қариялар каби эҳтиёжманд оиласарнинг 25 173 нафарига 12 млрд. 143,5 млн. сўм маблағ йўналтирилди.

2023 йил 1 апрель ҳолатига “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисоб рақамларида вилоят бўйича 3 млрд. 434,6 млн. сўм пул маблағлари мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг «2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Конуни ижросини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-73-сон Қарори 8-иловаси 20-бандига мувофиқ “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви томонидан республика миқёсида “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағларини йўналтирилиши юзасидан ҳисоботи республика бошқаруви расмий вебсайти (<https://obfm.uz/uz>)да ҳар чоракда жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот жойлаштириб борилмоқда. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан кам таъминланган оиласарга маблағ ажратиш фақатгина халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарори билан амалга ошириб келинмоқда.

2023-07-17 11:58:39